

# Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

t.me/farhaqiqati

http://farhaqiqat.uz/

## ГЕРМАНИЯ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ХУДУДЛАРАРО ИНВЕСТИЦИЙВИЙ, САВДО-ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФ БУҚОРДИ.



ГЕРМАНИЯ Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари орасидаги энг йирик савдо ва инвестициявий ҳамкоридир. Бугунги кунда ҳудудлараро алоқалар йўлга қўйилиб, биргаликда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мазкур таширф эса ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, Фарғонага германиялик инвесторларни жалб этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Вилоят делегацияси дастлаб Франкфурт-Майн шаҳридаги махсус кийимлар ва химоя экипировкалари ишлаб чиқарувчи "Engelbert Strauss" ва "Weitblick" компанияларида бўлиб, ўзаро ҳамкорлик доирасида музокара-лар олиб борилди. Мулоқотлар чоғида вилотимизда махсус кийимлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Вилоят делегацияси йирик молиявий муассасалар – "ODDO BHF", Германия тараққиёт банки, Helaba ва AKA банк-да бўлиб, Фарғонага немис инвестициясини жалб этиш, маҳаллий корхоналарга банк кредитларини ажратиш, вилот ҳокимлиги билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга оши-

риш ва бизнес форумлар ташкил қилиш масалалари кўриб чиқилди. Шоҳимардон қишлоғида Франциянинг "Montagne et neige développement" компанияси томонидан ишлаб чиқилган туризм лойиҳасини молиялаштириш масаласи хусусида сўз юритилди. Билдирилган таклифлар асосида ҳамкорликдаги чора-тадбирлар ишлаб чиқиши белгиланди.

Таширф доирасида вилот делегацияси Франкфурт-Майн шаҳрида ватандошлар билан учрашди.

Эрфурт шаҳрида жойлашган "Erfurt bildungszentrum" касбий таълим ва қайта тайёрлаш маркази энг нуфузли таълим марказларидан бири бўлиб, у 60 дан ортиқ техник, саноат, ахборот технологиялари ва савдо йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлайди. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров EBZ масъуллари билан ўтказилган учрашув-да Фарғонадаги КОИКА касб-хунарга ўқитиш марказида ёшларни ўқитишни йўлга қўйиш ҳамда мутахассисларни Германия меҳнат бозорига тайёрлаш бўйича келишувларга эришди.

Делегация таркибида Германияга амалий таширф билан борган Фарғона дав-

лат университети ректори Баҳодиржон Шермуҳаммадов Констанц университети раҳбарияти билан учрашди.

Мулоқот давомида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор муҳим келишувларга эришилди. Унга асосан, Констанц университети томонидан Фарғона давлат университети докторантлари учун ажратиладиган грант стипендияси доирасида ёш тадқиқотчилар икки ой Констанц-да таҳсил олиб, илмий изланишлари-ни давом эттириш имкониятига эга бўладилар.

Шунингдек, вилот делегацияси Рудольфшат шаҳридаги тўқимачилик ва пластмасса материаллари соҳасида илмий-тадқиқот ишлари, инновацион ишланмалар, саноат учун замонавий ечимлар яратиш йўналишида фаолият олиб бораётган Тюрингия мато ва пластмасса тадқиқот институтида бўлиб, ўзаро ҳамкорлик бўйича музока-ралар олиб борди.

(Фарғона вилоти ҳокимлиги  
Ахборот хизмати хабарлари  
асосида тайёрланди).



## Мамлакат ва халқ тарихини ЖУРНАЛИСТЛАР БИТАДИ

БУРСА ГАЗЕТАЧИЛАР ЖАМИЯТИДА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТИ РАҲБАРИ МУҲАММАД НУРИ КОЛАЙ СУҲБАТ ДАВОМИДА ТУРКИЯЛИК ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШ, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЙўЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ҲАҚИДА ТўХТАЛИБ ЎТДИ.

## “КАТТА МАҚСАД БИЛАН БИР ЙўЛДА КЕТИБ БОРАЁТГАН ҚАРДОШЛАРМИЗ”

Жамият 1947 йилда ташкил топган. 1997 йилда унинг 50 йиллиги муносабати билан 5 қаватдан иборат ўз биносига эга бўлган. Бугунда 600 нафар аъзоси бор. Жамият журналистларнинг яқин ҳамқори, маслаҳатчисига айланиб бормоқда. Соҳа ривожига кўмак бериш ва сифат жиҳатдан янги босқичга

қўтаришга хисса қўшмоқда. Газетачилар жамияти ташаббуси билан 456 нафар журналистларга арзон ва 2 фойзли имтиёзли кредит асосида хонадонлар олиб берилди. Бинода 2004 йилда матбуот музейи ташкилланган. Ундан 1868 йилда чоп этилган "Hudaven-digar" газетасидан тортиб ўша даврга хос бўлган таҳририят ва босмахона жиҳозлари ўрин олган.

(Давоми 4-бетда).

## Катта Фарғона канали:


## ХАЛҚ БУЮК ҲАШАРИНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ДЕЯРЛИ БУТУН ХУДУДИ КАНАЛЛАР ТАРМОҒИ БИЛАН ҚўПЛАНГАН БўЛИБ, ҲАЖМИ ВА ОҚИМИ ЖИҲАТИДАН ЭНГ ЙИРИК ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАРДАН БИРИ КАТТА ФАРҒОНА КАНАЛИДИР.

Собиқ Ўзбекистон ССР коммунист партияси марказий кенгаши котиби Усмон Юсуповнинг 1939 йил 3 июндаги 896-сонли қарори Катта Фарғона канали қурилишига асос бўлган.

270 километр узунликдаги сув йўли бўлган дастлабки ўзан 1939 йилнинг августда халқ ҳашари билан жуда қисқа муддатда (45 кунда) қўриб битказилди. 1940 йилда Тожикистон ҳудудида яна узайтирил-

ди. Каналнинг 283 километр қисми Ўзбекистон, 62 километри Тожикистон ва 13 километри Қирғизистон ҳудудидан ўтади. Водийнинг шимол-шарқидан жануби-ғарбига томон оқувчи бу оби-ҳаёт иншоотининг асосий узани узунлиги 350 километрни ташкил қилади.



(Давоми 3-бетда)


# 281 000 ТОННАДАН ЗИЁД ДОН ХИРМОНИ ЯРАТИЛДИ

Жорий йилда 2917 та фермер хўжаликлари томонидан 94,3 минг гектар майдонда бошоқли дон экинлари юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилинди ва ғаллазорларда мўл ҳосил етиштирилди.

Ўрим-йиғим ишларини қисқа фурсатда, сифатли ўтказиш мақсадида 22 та янги, замонавий, юқори унум-

Фарғона вилоти ғаллакорлари 2025 йил ҳосилидан бошоқли дон тайёрлаш шартнома режасини бажардилар.

Ўз мухбиримиз.



## Аччиқ, аммо очиқ гаплар

## Дорихоналар бисёр,


## ГўЁ БУТУН ЭЛ БЕМОР

Юртимизга келган чет эл сайёҳини темир йўл вокзалига кузатишга борган туризм идораси ходими ундан сўради:  
– Жаноб, Сизга шахримиз маъқул бўлдими?  
– Шаҳрингиз жуда чиройли, обод экан. Фақат, битта савол мени ўйлантиряпти.  
– Бемалол сўрайверинг!  
– Нима, шаҳар аҳолиси ўртасида бирон юқумли касаллик эпидемияси тарқалганми?

– Буни нимага асосланиб сўраясиз, жаноб? – деди кузатувчи.  
– Темир йўл вокзалига олиб борувчи кўча бўйлаб мен учун ташкил этилган пиёда сайр пайтида ҳар қадамда учраган дорихоналарни кўриб сўраяман, – дебди сайёҳ!  
Юртдошимиз нима дейишни билмай, бироз жим қолди. Кейин у деди, бу деди, гўё сайёҳ саволига жавоб бергандай бўлди...  
Сўнгги йилларда Ўзбекистонда дорихоналар сони сезиларли даражада ошди. Кўча, бозорлар, шифохоналар атрофида, турар жой массивларида, ҳатто энг кичик маҳаллаларда ҳам бир нечта дорихонани учратиш мумкин. Бу ҳолат, бир томондан аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаётган бўлса, иккинчи томондан – назоратсиз дори истеъмоли, ўз-ўзини даволаш каби салбий оқibatларга ҳам олиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).





– АЯ, МАКТАБИМИЗ-ГА “БУВАМНИНГ ОШҚОЗОНИДАГИ МАМ-ЛАКАТ” АСАРИНИ ЁЗГАН ЁЗУВЧИ КЕЛДИ, – ДЕБ ҚОЛДИ ҚИЗИМ ЭШИК-ДАН КИРА СОЛИБ. – БИЗГА ҲАММАСИНИ АЙ-ТИБ БЕРДИ. АЙНИҚСА, БОШ ҚАҲРАМОНЛАР БАҲОДИР ВА БАХТИЁР-НИНГ ҲАММАСИНИ САР-ГУЗАШТЛАРИ ХУДДИ РОСТДАН БЎЛГАНДАЙ. ЎҚИГАНДА ҲАЯЖОНГА ТУШАСИЗ, КУЛСА КУЛАСИЗ, ЙИҒЛАСА, ҚАЙҒУСИГА ШЕРИК БЎЛАСИЗ.

Эътироф

## КАТТА МАСЪУЛИЯТНИ ЕЛКАСИГА ОЛГАН ЁШ ИЖОДКОР

Китобга ошфута бўлиб бораётган қизимнинг таассуротлари мени қувонтирди. Дарҳақиқат, ёш ёзувчи Қобилжон Шерматовнинг 3-синфлар учун мўлжалланган “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” дарслигига киритилган “Бувимнинг ошқозонидаги мамлакат” асари 2022 йилда ташкилланган китобхонлик ҳафталиги якунига кўра, “Йил китоби” деб топилган. Қатор хорижий тиллар-

га таржима қилинаётган мазкур асар Туркия ва Озарбайжонда ўтган халқаро ноширлик фестивалларида ҳам юқори баҳоланди. Шунингдек, “Ёш китобхон” республика танловининг 10-14 ёш тоифасидаги ўқилиши шарт бўлган асарлар рўйхатидан ўрин олган.

“Балки Мош ҳам туш қўрар”, “Қишлоқжоним”, “Бир қулоқли кўзичок”, “Бувамнинг ошқозонидаги мамлакат”, “Толқонботир”, “Ўткиржоннинг ўнта

ўрдақ укаси”, “Улуғбек поп-корн сай-ёрасида” номли асарлари, “Ҳайрат булоқлари”, “Хур нафаслар”, “Водий гулдастаси” каби тўплам ва мажмуалардан ўрин олган шеърлари дўстлик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, ота-онага бўлган ҳурмат-эҳтиромдан сўз юритади, ўқувчини кенг мушоадага чорлайди, муносиб хулоса чиқармоққа ўндайди.

Қобилжон Шерматовнинг бу галги муваффақияти фарғоналикларни беҳад қувонтирди. У давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 июндаги қарорига асосан, “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ёш бўлишига қарамай, бугун ҳамюртимизнинг миллионлаб мухлислари бор десак, муболаға бўлмайди. Сабаби унинг роман, қиссалари қайта-қайта нашр этилмоқда. Ёшлар орасида тобора кенг оммалашаётган “Mitolaa” иловасида ҳам асарларини севиб ўқийдиганлар бисёр.

Жорий йил 14 февралда давлатимиз раҳбари ёшлар билан қилган мулоқотида Қобилжоннинг Амир Темур болалигига бағишланган “Қиличсиз ғалаба” асари ҳақида яхши фикрлар билдиргани ёш муаллифга куч-қувват, ижодий парвоз бағишлади.

Қобилжон Шерматов нафақат ижодда, балки вилоятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол қатнашиб келади.

Миллат эртаси бўлиши ёш авлоднинг маънан зўтаси, Ватанига садоқатли бўлиб ўлгайишида болалар китобларининг ўрни бениҳоя катта. Қобилжон Шерматов эса бу катта масъулиятни муносиб адо этаётган ижодкорлардан биридир.

Маҳиёра БОЙБОБОВА.

### Муносабат

## Биз сизларга ишонамиз



– БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ РЕНЕССАНСИ БҲОК АЛЛОМА ВА МУТАФАККИРЛАРИМИЗ ЯРАТГАН БЎЛСА, БУГҲН ТАРИХ НАВБАТНИ СИЗЛАРГА БЕРМОҚДА. ИШОНЧИМ КОМИЛ, СИЗЛАР БАРЧА СОҲАЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КУТАРИШГА ҚОДИРСИЗ. СИЗЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ СИФАТИДА ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТАДИГАН ОЛТИН АВОЛОДСИЗ, – дея таъкидлади Президент.

Юртбошимиз ёшларга эътибор ва ишонч белгиси сифатида бир гуруҳ илғор йигит-қизларни “Мард ўғлон” давлат мукофоти ҳамда “Келажақ бунёдкори” медал билан тақдирлади. Улар орасида фарғоналик Қобилжон Шерматов, Шавкатжон Худобердиев, Саидахмадхон Махмудов, Сабина Набиева ҳам бор.

Байрам арафасида “Миллий тикланиш” демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши томонидан ҳам фаол ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ибратли ташаббус-

лари эътироф этилди.

Марилон шахридаги IT паркида ташкил этилган “Биз ёшларга ишонамиз” шиори остидаги тадбирда спорт, фан, технология ва ишлаб чиқаришда тенгдошларига намуна бўлаётган, аъло баҳолари ва намунали ҳулки билан ажралиб турган ёшларга партия кенгашининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, партия томонидан ўтказилган “Оммавий диктант” саводхонлик акцияси фойда ва совриндорлари муносиб рағбатлантирилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, ёшликдаги ҳаракат бу – келажақдаги ютуқ дегани. Фарзандлари билимли, соғлом, мард ва жа-сур, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва давлатнинг келажаги, албатта, ёруғ бўлади.

**Рисолатхон МАМАЖОНОВА, “Миллий тикланиш” демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари.**

### Аччиқ, аммо очиқ гаплар



## Дорихоналар бисёр, ГҲЁ БУТУН ЭЛ БЕМОР

(Бошланиши 1-бетда).

Хўдудларда дорихоналар кўплигининг асосий сабабларидан бири – ушбу соҳа тадбиркорликнинг даромадли тармоғига айланиб бораётгани билан ҳам изоҳланмоқда. Ўзбекистонда дорихона очиш учун зарур ҳуқуқий ва санитария талабларига риоя қилинса, руҳсатнома олиш нисбатан осон. Бу ҳолат тадбиркорлар учун дорихона соҳасини жозибали бизнесга айлантирган. Дорихона очиш паст сармоя билан юқори даромад келтирадиган фаолият турларидан бири сифатида қаралмоқда.

Шу билан бирга, аҳолининг катта қисми шифокорга мурожаат қилиш ўрнига дорихона орқали мустакил даво топишга ҳаракат қилади. Бу эса дориларга талабни оширади ва дорихоналар сонининг кўпайишига сабаб бўлади. Кўпчилик беморлар ўзига таниш дориларни рецептсиз сотиб олишга одатланган. Айрим ҳудудларда аҳолининг давлат ёки хусусий тиббий хизматларга бўлган ишончи паст, шифокорга боришининг қийинлиги, навбатлар, харажатлар ва хизмат сифати ҳақида шубҳалар мавжуд бўлиб, одамлар дорихонани “мини-шифохона” сифатида кўришади.

Энг ачинарлиси, қонунчиликда кучли дориларни фақат шифокор рецепти билан бериш белгиланган бўлса-да, кўплаб дорихоналар бу талабга амал қилмайди. Антибиотиклар, тинчлантирувчи воситалар, ҳатто гормонлар ҳам эркин сотилаётган ҳолатлар мавжуд. Айниқса, қишлоқ жойларида ёки янги қурилган массивларда поликлиника ва шифокорлар сони етарли эмас. Бу бўшлиқни дорихоналар тўлдирди. Баъзи фуқаролар касалликдан фориғ бўлиш учун, аввало, дорихона ходимига мурожаат қилишни афзал кўради.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 20 мингга яқин дорихона фаолият кўрсатмоқда. Айрим дорихоналарда сифати паст, нотўғри сақланган ёки сохта дорилар сотиш ҳолатлари кузатилаётгани бор гап. Жумладан, Олий суд матбуот хизмати хабарига кўра, 2022 йилда “Dok-1 Maks” дори воситаси билан боғлиқ жиноят ишда тасдиқланган айблов хулосасида содир этилган жиноятлар оқибатида 65 нафар ёш бола вафот этгани, 20 дан зиёд мурғак қалб соҳиблари эса ногирон бўлиб қолгани қайд этилган. Бу каби ачинарли ҳолатлар кимлар учундир сабоқ бўлса, айрим юрдошларимиз хали ҳам ўз билганича даволанишда давом этмоқда.

Узоқ йиллардан буён фармацевтика соҳасида фаолият олиб бораётган Музаффар Қурбоновнинг айтишича, Ўзбекистонда дорихоналарнинг кўплиги – соғлиқни сақлаш соҳасида мавжуд эҳтиёж, иқтисодий имкониятлар ва қонунчиликдаги бўшлиқларнинг натижасидир. Бу ҳолат – қатъий назорат ва аҳолида дори воситаларидан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришни талаб этади.

Ҳозирда Германиянинг Гамбург шаҳрида истикомат қилаётган бир ҳамюртимизнинг айтишича, ривожланган мамлакат аҳолиси 70-80 ёшда ҳам теглик ва соғлом кўринади. Бетобман, саломатлигимда муаммо бор деб нолиб ўтирадиган қарияларни деярли учратмайсиз. Улар соғлом турмуш тарзига амал қилади, хиёбонлар, дам олиш масканларида китоб ўқишади. Шаҳарлар марказларида ҳар қадамда дорихоналар эмас, кутубхоналар учрайди.

Умуман олганда, Европанинг кўплаб мамлакатларида дори воситалари шифокор рецепти асосида берилди. Бу ёндашув соғлиқни сақлаш тизимини тартибга солиш, кўп миқдордаги дори истеъмолининг олдини олиш ва беморнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Масалан, Германия, Франция, Италия, Швеция каби мамлакатларда антибиотиклар, гормонлар, юрак дорилари, антидепрессантлар фақат шифокор рецепти билан сотилади. Шифокорлар электрон рецептлар орқали дори ёзади, бу эса дорихона тизими билан тўғридан-тўғри боғланган. Шу сабабли Европа мамлакатларида аҳолининг ўзини ўзи дори билан даволаш имконияти чекланган бўлиб, бу аҳолини тартибли, хавфсиз даво олишга ўндайди.

Айтиш жоизки, баъзи дорихоналар фойда олиш мақсадида маълум фирмаларнинг дори воситаларини фалол тарғиб қилади. Бу эса беморларнинг реал эҳтиёжидан келиб чиқмайдиган дориларни сотиб олишига сабаб бўлмоқда.

Афсуски, аҳоли ўртасида ўзи-ўзига тахшиш қўйиб, ўзинча дори ичадиганлар сон кам эмас. Бунинг асосий сабаблари: ОАВ ҳамда интернет тармоқларида дори тарғиботи; дўстлар ёки қариндошлардан эшитган “маслаҳатлар”; тезроқ тусалишга бўлган хоҳиш; тиббий хизматларнинг қимматлиги.

Шифокорларнинг таъкидичи, доноик ёки нотўғри дори ичиш инсон органлари – жигар, буйрак, юракка “юк туширади”, оғир аллергиялар сабаб бўлади. Антибиотикларни назоратсиз ичиш организмнинг иммунитет ҳосил қилиш қобилиятини пасайтиради. Бир неча дорини бир вақтнинг ўзида ичиш уларнинг таъсирини қуяйтириши ёки қамайтириши мумкин, баъзида бу ҳаёт учун хавфли бўлади. Баъзи оғриқ қолдирувчи ёки тинчлантирувчи дориларга одамлар психологик жиҳатдан қарам бўлиб қолади.

Ўзбекистонда дорилар истеъмолини қамайтириш учун аввало, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш зарур. Кўпчилик энг кичик дардга ҳам дори ичишга ўрганган. Ҳарорат кўтарилса антибиотик, стресс бўлса тинчлантирувчи, шамолласа, 3-4 дорини биргаликда ичиш одат тусига кирган. Аммо агар аҳоли дори бу махсулот эмас, балки хавфли восита эканини тушунса – нотўғри дори ичиш қамаяди.

Бир неча йил аввал ривожланган мамлакатлардан бирида саратон касалига қалинган 100 нафар

беморга хушхабар айтилибди. Яъни ушбу касалликни енгадиган дори кашф этилди ва эндиликда уларнинг тузалиш эҳтимоли жуда юқори. Бир неча ой давомида ўша янги дорини истеъмол қилган 70 нафар бемор бутунлай соғайибди. Ҳайратланарлиси, шифокорлар томонидан тавсия этилган дори инсон саломатлигига безарар бўлган оддий витаминлар экан.

Дори истеъмолини қамайтиришда шифокорлар ва дорихоналар фаолиятини қатъий тартибга солиш ҳам жуда муҳим. Ҳозир кўп дорилар рецептсиз берилаяпти. Шифокорлар ҳам баъзида беморга ортиқча дори ёзиб беради. Агар антибиотик, психотроп, гормонал дорилар фақат рецепт билан берилса, дорихоналарга назорат қулайса, вақти-вақти билан текширилса, шифокорлар беморга минимал ва зарурий дори ёзишга ўргатилса – дорилар истеъмоли пасаяди.

Тасаввур қилинг, саломатлигингиздаги ўзгариш сабаб шифокорга борасиз, касаллик белгилари билан танишиб, хулоса қилган доктор рецепт ёзади, белгиланган дори воситаларини дорихоналардан излаб тополмайсиз ва яна шифокорга мурожаат қиласиз. У сизга қайси дорихонадан олишни тушунтиради, “мутахассис” берган манзилга борасиз, ҳамма дорилар бор, ваҳоланки, рецептдаги дорининг нархи бир ойлик машингизга яқинлаб қолади. Наҳора, тишингизни тишингизга қўйиб, чўнтагингиздаги бор пулга шу дориларни сотиб оласиз. Дориларни кўрсатмада белгиланган тартибда қабул қилиб, бироз тузалгандек ҳам бўласиз, лекин орадан бироз вақт ўтиб, яна “эски” касаллигиз кўзгайди. Сиз эса бунини ёшингиз ўлгайгани ва унча-мунча дори таъсир қилмай қўйган деб ҳисоблайсиз, касаллик авж олиб кетмагунча оғриқ қолдирувчи дориларни ичиб юриш билан чекланасиз...

Яқинда шифокор танишининг хонадонига меҳмонга бордим. Ўзига дид ва замонавий услубда қурилган уйни ҳавас билан томоша қилдим. Шифокорларнинг ойлик даромади яхши бўлади, демек, ҳалол ишлаб ҳам мана шундай чиройли шароитда яшаса бўларканда, деб ўйладим. “Данғиллама” ҳовлининг меҳмонхонасига кириш учун ошхона орқали юрдик. Ошхонадаги маиший техника буюмларига ёпиштирилган дори этикетлари ва жим-жимадор ҳарфларни кўриб ҳайратландим. Салом-аликдан сўнг унга “Дориларнинг номларини унутиб қўймаслик учун бутун ўй жиҳозларига уларнинг номларини ёзиб чиққанмисиз?” деб ҳазилладим. У эса мийғидага қулиб, шунча шариот, ҳовли-жой, энг сўнгги русумдаги маиший техникаларни сотиб олишга мана шу фирмалар дорилари сабаб бўлганини яширмади.

Яъни дори ишлаб чиқарувчи фирма вакили махсулотининг ҳаридорлигини таъминлаш учун мутахассис шифокор билан “қелишади”. Шифокор қабулгига келган беморларга айнан ўша дорини ичиши зарурлигини таъкидлайди ва ҳар ойда доридан тушадиган фойдага тенг шерик бўлади. Қиммат нархдаги дориси дорихона пештахталарида тезлик билан тугаб қолаётган “ишлаб чиқарувчи” шифокорнинг янада “шижоат” билан ишлаши учун ойлик даромадига қўшиб, махсулот этикети ёпиштирилган маиший техника буюмларини ҳам тўхфа қилади...

Бу борада аҳолининг ҳам фикрини ўрганишга ҳаракат қилдик.

– Тумандаги шифокорларга ўзим ва оила аъзоларим саломатлигини ишонмайман, – дейди фуқаратлик Шерали Тожиев, – фарзандларини кўпроқ тоза ҳавода олиб юришга ҳаракат қиларман, витамин ва минералларга бўй овқат тановул қилишларини таъминлайман, агар каттик оғриб қолишса ҳам шаҳар марказидаги шифокорлар кўригига олиб бораман.

Юқори қон босими ва бош айланишдан шикоят қилиб келган 64 ёшли бемор Ҳавасхон Раҳимова инсон организмга учун фойдали бўлган ва табиий гиёҳлардан тайёрланган махсулотлардан шифо тоғанини ва ҳозирда гиёҳлар дамламаси, асал соғайтирганини таъкидлади.

Онам уч йилдан буён қандили диабет касаллиги билан курашади. Туман марказий поликлиникасидаги эндокринолог шифокор ёзиб берадиган дориларни қолдирмай ичади. Яқинда ўша шифокор тажриба ошириш ва доимий яшаш учун пойтахтга кўчиб кетди. Поликлиникадаги бошқа докторга учраган онамнинг дардига дард қўшилиб, шифохонада даволаниб чиқди. Сабаби эса ўзи ичиб юрган дори аслида зарарли эканлиги, буйракни бутунлай қуритиб юборишини эшитган онамнинг саломатлиги анча ёмонлашди. Янги шифокор ёзган дорилар рўйхати эса юқоридаги каби фақат битта дорихонада ва жуда қиммат нархда топилди...

Дорихоналар жамиятда муҳим ўрин тутаяди, аммо дорининг фаолияти, такрор бўлсада айтиш жоиз, доимий равишда назорат остида бўлиши лозим. Дори воситаларини истеъмол қилишда ҳар бир фуқаро қўйидагиларга эътибор қаратиши зарур: Ҳар қандай дори фақат шифокор кўрсатмаси билан қабул қилиниши керак. Антибиотиклар, гормонлар ва кучли таъсирли дориларни рецептсиз сотиб олишдан сақланинг. Фармацевтик мутахассисдан маслаҳат сўрашингиз мумкин, аммо бу шифокор ташхисининг ўрнини боса олмайди. Дори ичаётганда унга оид йўриқнома билан танишиб чикинг.

Соғлом жамият – бу дори воситаларидан оқилана ва масъулиятли фойдалана оладиган турмуш тарзидир. Дорихоналар, тиббиёт ходимлари ва фуқароларнинг ҳамкорлиги бу йўналишда ижобий натижалар бериши шубҳасиз.

Дурдона ҒОҒҒОРОВА,  
ўз мухбиримиз.

## Сиёсий жараён:

## ИШОНЧГА САЗОВОРЛАР САЙЛАНДИ

### Уни оқлаш эса шараф ва масъулиятдир

**“ОТАНГ – МАҲАЛЛА, ОНАНГ – МАҲАЛЛА”, ДЕГАН НАҚЛ ЗАМИРИДА ОЛАМ-ОЛАМ МАТНО МУЖАССАМ. ДАРҲАҚИҚАТ, ДУНЁДА ЎХШАШИ ЙЎҚ НОЁБ ИНСТИТУТ БЎЛИШИ ҲАМЛАКЛАТ ҲАМ БИРИМИЗИНИНГ ҲАЁТИМИЗДА МУҲИМ ЎРИН TUTAДИ. ОИЛАДА ЎЗАРО ХУМРАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ҲАМЖИХАТЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ, УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА УДУМЛАРИМИЗ ҲАМДА АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, РИВОЖЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛА ВА ЙИҒИН РАИСИНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС. БУГУНГИ КУНДА МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ХАЛҚ ҚАДРИЯТЛАРИГА АСОСЛАНГАН ТИЗИМИ СИФАТИДА ТАКОМИЛЛАШИБ БОРМОҚДА.**

Маҳалла фуқаролар йиғини раисли сайлови муҳим демократик жараёндир. Жорий йилнинг май ойидан бошлаб вилоятимиз маҳаллаларида ваколат мuddати 3 йилдан 5 йилга узайтирилган маҳалла фуқаролар йиғини раислари сайлови юксак уюшқоқлик билан ўтказилди. Сиёсий жараёнларда ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган фуқаролар сайланди. Бунда фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар фаолияти алоҳида аҳамият касб этди.

Раисликка кўрсатилган номзодлар ўзининг ҳаракат дастури, режалари, мақсад ва вазифалари ҳақида сайловчилар вакилларига маълумот беришди. Улар ўзларига маъқул бўлган, келгуси беш йилда маҳалла ободлиги, фуқаролар турмуш фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўша оладиган энг муносиб номзод учун овоз бердилар. Қонун талабларига мос равишда, очиқ ва ошкора ташкил этилган сайлов жараёнлари тўлиқ аёнланди.

Бугунги кунда маҳалла аҳлининг муаммолари шу ернинг ўзида ҳал этил-япти. Маҳалла раисидан “Обод ва хавфсиз маҳалла”, “Камбағалликдан

холи маҳалла”, “Ишсизликдан холи ҳудуд” тамойилларини амалга ошириш, аҳолининг тўкин ҳаётини таъминлаш, “маҳалла еттилиги” ходимларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, фуқаролар билан яқин мулоқот ўрнатish орқали одамлар кайфияти ва эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, уларнинг яшаш тарзини яхши билиш талаб этилади. “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгаришларга кўра, фуқаролар йиғинлари раисларининг ваколат мuddати узайтирилиши улар учун катта имконият ва жиддий масъулиятдир. Бу тажриба, ташкилотчилик қобилияти ва маҳоратни тўла намоён этиш учун имкон беради.

Вилоятимиз бўйича мавжуд 1062 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 47 таси қисқартирилди. Шунингдек, 39 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари 2022 йил сайловлардан кейин сайланганлиги, ҳали ваколат мuddати тугамаганлиги сабабли ушбу маҳаллаларда сайловлар ўтказилмади. 976 та (92 фоиз) маҳаллада фуқаролар йиғини раиси сайлови қонун талаблари даражасида ўтказилиб, кўрсатилган 2849 нафар номзодлар орасидан 976 нафари раисликка сайланди. Бу муҳим демократик жараёнларда 274 минг 858 нафар вакилларнинг

**Тоҳиржон НОРМАТОВ, Ўзбекистон маҳаллалари ўзбекистон Фарғона вилоят бошқармаси масъул ходими.**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2020 ЙИЛ 6 ИЮЛДАГИ “РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТДАГИ ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИНИНГ 2-БАНДИ “Г” КИЧИК БАНДИГА КЎРА, 2020 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ, ШУНИНГ-ДЕК, УЛАРНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРИНИ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВАКОЛАТИ БЕРИЛГАН ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ) МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ОРГАННИНГ ДАСТЛАБКИ РОЗИЛИГИ ОЛИНГАНДАН СЎНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН.

## Қонун талабларини бажариш – мажбурий

**Ж**умладан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Рақобат тўғрисида”ги Қонунига давлат иштирокидаги корхона ва иқтисодий концентрация каби тушунчалар киритилиб, қонун билан мустаҳкамланди.

Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиши давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондида (устав капиталда) бевосита ёки билвосита иштирок этиш орқали, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳасида давлат шериги сифатида иштирок этиш орқали амалга оширилади.

Қонун талабига кўра, беш ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъекти товар ёки молия бозорида фаолият юритиб келаётган, рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокидаги корхонани ва унинг аффилиланган шахсларини ташкил этишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Бошқарма томонидан давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг аффилиланган шахсларини ташкил этишда монополияга қарши органнинг олдидан розилиги олинганлиги юзасидан мониторинг ва ўрганиш ишлари олиб борилди.

Мазкур йилнинг беш ойи давомида олиб борилган ўрганишларда вилоятда бешта – Данғара туман спорт мактаби, Олтиариқ туман спорт мактаби, Ёзёвон туман маданият бўлими, Ўзбекистон туман спорт мактаби ва Бувайда туман ҳокимлиги томонидан давлат иштирокидаги мустақил юридик шахслар ташкил этилишида Монополияга қарши органнинг олдидан розилиги олинмаганлиги аниқланди.

Шунга кўра, ҳудудий бошқарма ҳузуридаги махсус комиссия томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 346-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари бўзилиши аломатлари бўйича юқоридаги муассисларга нисбатан иш қўзғатилиб, бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма берилди.

**К.УСМОНОВ,**  
**вилоят Рақобат бошқармаси ходими.**

### Катта Фарғона канали:

# ХАЛҚ БУЮК ҲАШАРИНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ



(Бошланиши 1-бетда).

Водий пахта далаларини, боғ-роғларини суғориш мақсадида бунёд этилган Катта Фарғона каналининг ишга туширилиши натижасида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда 500 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланди, янги ерларни ўзлаштириш имконини берди. Каналда 1000 дан ортиқ гидротехника иншооти (шулардан 50 таси йирик), жумладан, 9 тўғон, максимал ялпи суви олиши 162 м<sup>3</sup>/с бўлган 258 та сув чиқаргич, 7 та ташлама, 8 та акведук барпо этилган. Канал устига 101 та кўприк қурилган.

Канал суви Андижон вилоятида 66,6 минг гектар, Наманган вилоятида 12 минг гектар, Фарғона вилоятида 125 минг гектар, Қирғизистоннинг Ўш вилоятида 0,76 минг гектар ва Тожикистоннинг Сўғд вилоятида 10 минг гектар ерни оби-ҳаёт билан таъминлайди.

1939 йил 1 августдан бошланган қурилишга бир неча минглаб инсонлар сафарбар қилинди. Маълумотларга қараганда, 45 кун давом этган халқ ҳашарида 180 минг нафар ишчи-деҳқонлар, 3 минг нафар муҳандис-техниклар иштирок этган. Ўтган асрнинг мисли қўрилмаган буюк ҳашари бўлган Катта Фарғона канали ҳайратланарли даражада, санокли кунлар ичида қуриб битказилди. Водий қишлоқ хўжалиги ва sanoa-тининг сезиларли ривожланишига ёрдам берди.

“Халқ қурилиши лойиҳаси” деб белгиланган бу лойиҳани амалга ошириш асосан

маҳаллий ресурсларга қаратилди. Ўзбек халқи умумий мақсад йўлида бирлашиб, хандақларда ёзнинг жазирама қуёши остида қўл меҳнати билан ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Бунёдкорлик юмуши халқимизнинг бирдамлик, ахиллик, фидойилик рамзига айланди. Тарих зарваракларига зарҳал ҳарфлар билан битилди.

Бундай катта қурилишда иштирок этган одамлар орасида сиёсий тарғибот ва маданий тадбирлар ташкил этишга алоҳида эътибор берилган. Агар ўша давр фотосуратларига эътибор қаратилса, кетмон, белкуррак билан канал қазийётган одамлар олдида газета ўқиб турган тарғиботчиларга ҳам кўзингиз тушади. Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Лутфи-хоним Саримсокова, Гавҳар Раҳимова каби ўнлаб эл севган санъаткорлар халқимизнинг фидойи хашарчиларига маданий хизмат кўрсатганлар.

Одатда каналларда сув лойқаланиб, ҳар йили қайта тозаланади. Катта Фарғона каналида эса сув чўкиндилари бўлмайди. Канал шундай қурилганки, чўкиндилар тўхтаб қолиб, лойқаланиб сув оқимиға таъсир қиладиган ҳолат деярли йўқ. Бу канал Ўзбекистон, хусусан, Фарғона водийси аҳолиси учун, аввало, иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки ушбу сув иншооти ҳудуд аҳолисини сув билан таъминлабгина қолмасдан, табиий тоза энергияга бўлган эҳтиёжини ҳам қондиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги “2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан сўнг Катта Фарғона каналининг иқтисодий қиймати тубдан ўзгарди, десак муболаға эмас. Ушбу қарорға кўра, Фарғона каналининг қирғоқларига кичик гидроэлектрстанциялар қуриш, умумий қиймати 12 минг киловаттгача электр энергиясини ишлаб чиқариш ва 48 минг хонадонни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш белгиланган. “Ўзбекэнерго” берган маълумотга кўра, Хитой Халқ Республикаси билан 2019 йилда 31 миллион АҚШ долларилек лойиҳалар ишлаб чиқилиб, кичик гидроэлектрстанциялар қурилган.

Катта Фарғона каналига 1966 йилда канал қурилиши ташаббускорларидан бири бўлган давлат арбоби Усмон Юсупов номи берилган.

Умуман олганда, Катта Фарғона канали Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётида муҳим ўрин тутати. Бироқ, унинг экологик ҳолатини яхшилаш ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун кўп иш қилиш зарур. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш орқали канал келажагини яхши томонга ўзгартириш, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мумкин.

Халқ буюк хашарининг ёрқин тимсоли саналмиш дунёга машҳур канал нафақат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, балки минтақада ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик лозим.

Сирасини айтганда, Катта Фарғона канали халқимиз қудратини тараннум этувчи улкан сув иншооти сифатида ҳали асрлар оша шу юрт фарзандларининг истиқболли келажакига хизмат қилади.

**Ғолибжон РАҲМОНОВ,**  
**Фарғона давлат университети таянч докторанти.**

## Шаҳнозанинг билгани шу:

# ИНСОН ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ВА ҚАТЪИЯТ БИЛАН БАХТ ТОПАДИ

ЖАМИЯТДА ҲАЛИ-ХАНУЗ БАЪЗИ КАСБАЛАР ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНДА, “АЁЛЛАР УЧУН ЭМАС” ДЕГАН НОТЎҒРИ ФИКРЛАШ МАВЖУД. АЙНИКАС, ОҒИР ЖИСМОНИЙ МЕҲНАТ ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН СОҲАЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЭР-КАЛАМ БИЛАН ТЕНГЛАТЕНГ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ КЎПЧИЛИК УЧУН АЖАБЛАНАРЛИ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА. АММО ҲАЁТДА БУНДАЙ ҚОЛИПЛАРДАН ЧИҚИБ, ЎЗ ОРЗУЛАРИ САРИ ДАДИЛ ИНТИЛАЁТГАН “БИЛАГИ БАҚУВВАТ” АЁЛЛАР ТАЛАЙ-ГИНА. 36 ЁШЛИ ШАҲНОЗА ЭҒАМНАЗАРОВА АНА ШУЛАРДАН БИРИ. У 4 ЙИЛДАН БЕРИ ТЕМИР ПАЙВАНДЛАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ. БУ КАСБ-КОР ОРҚАЛИ НАФАҚАТ ЎЗ ҲАЁТИНИ, БАЛКИ ЖАМИЯТДАГИ НОТЎҒРИ ҚАРАШЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШГА ҲИССА ҚЎШМОҚДА.



Х ақиқатан ҳам, кўпчиликда пайвандчилик фақат эркаклар қиладиган юмушдек туюлади. Лекин Шаҳноза бу фикрга қўшилимайди. У аёл бўлишига қарамай, темир билан ишлаш касбини танлаган ва оғир меҳнат ортидан жамиятда ўз ўрнини топган.

Шаҳнозанинг иш куни тонг сахардан бошланади. Устахонасига келади, махсус уст-бошларини кияди, пайвандлаш ускунасини ёқади ва темир қисларни бир-бирига бирлаштиришга киришади. Бир қарашда унинг кундалик иш тартиби шундай осондек кечади. Аммо бугунгидай жазирама иссиқда-ю,

қишнинг қаҳратонида олов билан меҳнат қилишнинг ўзи бўлмайди.

Асли жиззахлик Бешариқ келини ҳозирда тадбиркор Шерзод Эржабов-ев томонидан ташкил этилган металл конструкциялар, мебеллар, тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Sherwood design” корхонасида ишлаб келмоқда.

– Касбимни яхши кўраман, бу ерда асосан ташқи реклама ва баннерлар учун темир конструкциялар, савдо дўконлари, захира омборлари учун стеллажлар, бўртма ҳарфлар, мебел, декоратив ёритгич жиҳозлари тайёрлаймиз. Албатта, бир ўзим эмас, Умида,

Мунира, Марямхон опалар билан биргаликда ишлаймиз. Дастлаб бу ишлар бироз мушкул туюлганди, лекин устозларим Лазиббек, Гулчеҳраҳон яқиндан кўмак беришди, тажриба ўрганиш давомида аҳдидан қайтмасликка интилдим, аста-секин қийинчиликлар ортада қолди. Ҳозирда бажараётган ишларимдан қониқаман, – дейди у.

Шаҳноза баъзан кун бўйи оёқда тик туради, шовқинда ишлайди. Ҳар бир металл аниқ ўлчаниши, бўлақлар тўғри пайвандланиши, маҳсулотлар сифати ва чиройли чиқиши учун бор маҳоратини ишга солади. Бу диққат ва сабр талаб қилади.

– Уйга кеч қайтаман, баъзида кўлларим оғрийд. Лекин ўзим тайёрлаган маҳсулотларни объектларда, кўчаларда кўрганимда жуда қувонаман, чарчоғим унутилади. Ҳар бир ишда энг муҳими – қизқиқиш, маҳорат ва масъулият. Ёшлигимда шифокор бўлишни ният қилганман, шу соҳа йўналиши бўйича коллежда ҳам таҳсил олдим, лекин ризқим шу корхонада экан, менга имкон берган, кўллаб-қувватлаган жамоам ёрдами билан ўз ўрнини топдим, ҳурмат қозондим, – дейди у.

Шаҳнозанинг бу соҳага кириб келишига турмуш ўртоғининг қўллаб-қувватлаши ҳам сабаб бўлган. Ай-тишича, қандай ишга қўл урса, уни тушунишга, шароит яратиб беришга ҳаракат қилади, “Шу ишни қила олишингизга кўзингиз етса, қийналмасангиз, менинг қаршилигим йўқ” дейди.

– Аввалига одамлар ҳайратланиб қарарди ишимга, ҳатто масҳара қилганлар ҳам бўлди. Лекин бугун улар ўзларни менга буюртма беришади, ҳеч қачон касбимдан уялмаганман, – дея сокин қулиб қўяди пайвандчи аёл.

Шаҳноза бугунги кунда нафақат ишлаб чиқариш билан банд бўлиб даромад топтоқда, балки ёш ишчиларга пайвандчилик касбини ўргатаяпти.

Бу кичик “хикоям” – оддий пайвандчи аёлнинг эмас, ўз йўлини танлаган, “стереотиплар”га қарши чиққан ва ўз орзулари сари дадил интилган мунис хилқат вақиласи ҳаётининг бир чизгисидир. Бугун у корхонанинг тажрибали ходими, сеvimли рафиқа, уч фарзанднинг меҳрибон онаси. Аслида шу эмасми, ўзбек аёлининг сиймоси?!

Шаҳноза Эғамназарова юртдошларимиз учун иродали аёллар рамзига айланмоқда. У ҳаётда ҳунар, меҳнат ва қатъият билан қандай бахт топиш мумкинлигини ўз мисолида кўрсатиб бермоқда.

**Дурдона ҚОБИЛЖОН қизи.**

## СУВДАГИ ЗАВҚ ПУШАЙМОНГА АЙЛАНМАСИН!

ЛОҚАЙДЛИК САБАБ ҲАР ЙИЛИ ЎНЛАБ ИНСОНЛАР, ЖУМЛАДАН, ЁШ БОЛАЛАР СУВДА ҲАЛОК БЎЛИШМОҚДА. 2024 ЙИЛ ДАВОМИДА ВИЛОЯТИМИЗДА 19 ТА СУВГА ЧЎКИШ ҲОЛАТИ ҚАЙД ҚИЛИНДИ. ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСАЛАР АСОСАН ОЧИҚ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА СОДИР БЎЛГАН.

**Ё**з фаслини интиқлик билан кутган болажонларнинг мавсумдаги сеvimли машғулотли чўмилишидир. Жазирама кунларда ариқ ва каналлар болалар билан тўлиб-тошади. Бизга оддий ва хавфсиз кўринган бу манзиллардаги қувонч узокқа чўзилмаслиги мумкин экани эса ота-оналарни хавотирга солмайди.

Болалар чўмилишда қўлдан жойларда огохлантирувчи белгилар бўлиши мумкин. Аммо бунга эътибор қилувчилар кам. Ариқларнинг айримлари чўқур, суви лойқа, икки юзаси бетон билан қопланганлиги боис, сирпанчқ бўлиб, сувда сузиб ҳориган бола у ердан мустақил чиқиб кета омайди. Каналларда оқим кучли, туби тўла тош. Совуқ қотиш сабаб томир тортиш ҳолатлари кузатилади. Бундай пайтда болалар ўзларини бошқара омай, оқимга қарши сузолмай қолишади.

Чўмилишга рухсат бериладиган жойларда хавфсизлик чоралари – камералар, қўтқарувчилар борлигига

ишонч ҳосил қилиш зарур. Ҳовуз ёки бассейнлар чўқурлиги ва чеккаларининг сирпанчқ эмаслиги муҳим. Агар болалар учун махсус хавфсиз зоналар бўлмаса, уларга чўмилишга рухсат бермаган маъкул.

Сувда бир лаҳзалик бепарволик бутун умрга етадиган пушаймонликка айланиши мумкин. Ҳар йили ёз мавсумида очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш ҳаёт учун хавфли эканлиги бўйича тарғибот ишларини кучайтирамиз. Мактаблар, маҳалла фаоллари орқали огохлантирув ишлари олиб борилади. Аммо бу етарли эмас. Ёш асосий ва самарали чора, бу – ота-онанинг ўз фарзандига бўлган эътибори, ҳушёрлиги ва ўз вақтида берилган сабоғидир.

**Нурсултон МАМАТМУСАЕВ,**  
**Фарғона вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар бўлими бош инспектори, капитан.**

## FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETI AKADEMIK LITSEYI 2025-2026-O'QUV YILI UCHUN QUYIDAGI BO'SH ISH O'RINLARIGA TANLOV E'LON QILADI

- |                                              |                   |
|----------------------------------------------|-------------------|
| 1. Ona tili va adabiyoti (o'zbek guruhlarda) | – 2 ish o'rin.    |
| 2. Rus tili (o'zbek guruhlarda)              | – 2 ish o'rin.    |
| 3. Matematika (o'zbek guruhlarda)            | – 2 ish o'rin.    |
| 4. Informatika                               | – 1 ish o'rin.    |
| 5. Kimyo                                     | – 1 ish o'rin.    |
| 6. Fizika (rus guruhlarda)                   | – 0.25 ish o'rin. |
| 7. Fizika (o'zbek guruhlarda)                | – 1 ish o'rin.    |
| 8. Ingliz tili (o'zbek guruhlarda)           | – 2 ish o'rin.    |
| 9. Davlat va huquq asoslari                  | – 1 ish o'rin.    |
| 10. Nemis tili (o'zbek guruhlarda)           | – 1 ish o'rin.    |
- Arizalar 2025-yilning 20-iyul sanasiga qadar qabul qilinadi.

**Manzil:** Farg'ona shahar, Quvasoy ko'chasi, 17-uy.  
**Mo'ljal:** “To'qimachi” o'yingohi yonida.  
**Telefon:** (73) 243-58-06.

Фарғона шаҳар, Нефтьчилар кўчаси, 6-уйда жойлашган “Tashpulatovlar merosi” оилавий корхонасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



